## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 98 Автомототранспорт воситалари билан боглиқ битимларни расмийлаштириш тартиби тўгрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш хақида

Лизинг хизматлари бозорини янада ривожлантириш, шунингдек лизинг олувчилар учун қушимча қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:** 

- 1. Вазирлар Махкамасининг 2006 йил 7 мартдаги 38-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 3-сон, 17-модда) билан тасдиқланган Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:
- «3. Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар нотариуслар томонидан нотариал тартибда тасдиқланиши керак. Автомототранспорт воситаларини:

ихтисослаштирилган савдо корхоналари (автомототранспортни ишлаб чиқарувчи корхоналар, уларнинг вакиллари ва воситачи (дистрибьюторлик) ташкилотлар);

лизинг шартномалари буйича лизинг хизматлари курсатадиган ташкилотлар (енгил автотранспорт воситалари лизингидан ташқари);

юридик шахслар билан лизинг шартномалари буйича мамлакатимизда ишлаб чиқарилган енгил автотранспорт воситаларини камида 2,0 млрд сум миқдорида устав капиталига эга булган кредит ташкилотлари ва асосий фаолият тури лизинг хисобланган ташкилотлар;

Давлат мулки кумитаси ва унинг худудий булинмалари, шунингдек Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Суд карорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жихатидан ва молиявий таъминлаш департаменти худудий бошқармаларининг суд ижрочилари туман (шахар) булимлари томонидан белгиланган тартибда кимошди савдоларида сотиш холлари бундан мустасно.

«Нотариат тўгрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофик автомототранспорт воситаларидан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш хукукига ишончномалар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасалари консуллари томонидан ҳам тасдиқланади».

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

публикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

## Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш., 2010 йил 29 март, 57-сон